



میس [mis] – хоним сўзининг ўрнига اغلى [ag'le] сўзларини ҳозирги кун оммавий ахборот воситаларида ишлатилади.

Иккинчи босқич, 2001 йилдан то ҳозиргача бўлган давр. Бунда кириб келаётган янги сўзлар билан бир вақтда паштулаштириш жараёнини ҳам давом этиши кузатилмоқда. Айниқса, янги сўзларни техника, кашфиёт ва илм-фан соҳасида кўриш мумкин. Буларга مدل [model] – моделер, تورنمنت [tornəment] – мусобақа, گوگل پلس [gūgəl plas] – гугл плус, وبسایت [websāyt] – вебсайт, کمنت – [kament] – фикр билдириш (асосан ижтимоий тармоқларда) каби сўзлар мисол бўла олади.

Бу ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- 2001 йилда Афғонистон ҳудудига БМТнинг ҳарбий кучлари кириши билан матбуотда инглизча ўзлашмалар сони кўпайди;

- Фан техника соҳасидаги кўплаб кашфиётлар билан боғлиқ терминлар тезлик билан кириб кела бошлади;

- Мамлакатдаги сиёсий-ижтимоий аҳвол паштун халқининг ижтимоий муносабатларга интеграциясини кучайтириб юборди ва бунинг натижасида инглиз тилини ўрганиш, инглизча терминлардан оғзаки ва ёзма нутқда фойдаланиш кучайди.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш мумкинки, пашту тилига бошқа тиллардан кириб келган сўзлар ичида арабча ўзлашмалар кўп миқдорни ташкил қилади. Тадқиқ қилинган ўзлашмаларнинг 25-30% и араб тилидан кириб келган.

Ҳозирги кунда дунёда рўй бераётган техник тараққиёт ва глобаллашув жараёни пашту тилига ўз таъсирини ўтказмоқда, унинг луғат таркибига янги сўзларнинг кириб келишида муҳим рол ўйнамоқда.



## МУҲАММАД РАҲИМ ИЛҲОМНИНГ *دستور زبان دری* **DASTUR-E ZABÂN-E DARI** КИТОБИ: АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТАҲЛИЛ

**ЎКТАМОВА ҲИЛОЛА**

Тадқиқотчи, ТошДШИ



**Аннотатсия.** Мақолада афгон тилишуноси М.Р. Илҳомнинг дарий тили грамматикасига оид асарини ўрганилган. Муаллифнинг дарий тили грамматик қурилиши ҳақидаги назарий қараишлари ва ёндашувлари таҳлил қилинган.

**Таянч сўз ва иборалар:** грамматика, фонетика, морфология, синтаксис, фонема, сўз туркумлари, гап, гап бўлаклари.

**Аннотация.** В статье изложен анализ книги афганского грамматиста М. Р. Ильхама, посвященная грамматике языка дари. Рассматриваются теоретические взгляды автора книги на грамматический строй языка дари.

**Опорные слова и выражения:** грамматика, фонетика, морфология, синтаксис, фонема, части речи, предложение, члены предложения.

**Abstract.** In the article the grammar book by afghan linguist M.R. Ilhom is studied, which is written about the grammar of the Dari language. The thoughts and approach of author about structure of grammar are analyzed.

**Keywords and expressions:** grammar, phonetics, morphology, syntax, parts of speech, sentence, member of sentence.

1965 йили Афғонистон Республикаси Конституциясида дарий тилига расмий тил мақомининг берилиши бу тилни илмий ишлар объектига айлантирди. Ўша вақтгача дунё эроншунослигида дарий тили *fârsi-ye kabuli*, *fârsi-ye dari*

терминлари орқали ифодаланган. Мақола ана шу даврда янгилик ҳисобланган, дарий тилини назарий жиҳатдан ёритиб берган грамматик асарнинг таҳлилига бағишланган. Ушбу китобни таҳлил қилишдан мақсад дарий тили грамматика-

сининг тадқиқ этилиши керак бўлган бир қанча жихатлари мавжуд эканлигини кўрсатишдир.

Афғонистон Адабиёт ва гуманитар фанлар институтининг дотсенти, тилшунос олим Муҳаммад Раҳим Илҳом 1970 йилда (ҳижрий 1349 йилда) *دستور زبان دری* *Dastur-e zabân-e dari* (“Дарий тили грамматикаси”) китобини нашр эттирди. Бу китоб Муҳаммад Насим Негхат Саидийнинг китоби<sup>1</sup> дан кейинги дарий тили грамматикаси бўйича иккинчи китоб ҳисобланади. Китоб сўзбоши, 5 бўлим, 180 бетдан иборат.

Сўзбошида афғон олимлари<sup>2</sup> томонидан ислом фатҳидан кейин тилшунослик фанлари ва илмининг баъзи соҳалари араб тили ва адабиёти илми олимларининг ишларига тақлидан ёзилганлиги таъкидланади. Муаллифнинг қайд этишича, дарий тили грамматикаси ҳақидаги билимлар араб тили морфологияси ва синтаксисига оид асарлар асосида шаклланган. Ислом дини кириб келгандан сўнг араб тили дунё мусулмонларининг ҳам дин, ҳам илм тили сифатида тан олингани туфайли анча йиллар давомида афғон олимлари ҳам ўз асарларини араб тилида ёзганлар. Лекин Тоҳирийлар ва Саффорийлар даврида дарий тилида ҳам бир мунча асарлар яратилди. Сомонийлар даврида дарий тилига алоҳида эътибор қаратилиб, диний илмлар, тарих ва адабиёт соҳаларида дарий тилида асарлар ёзилди. Грамматистлар ва луғат тузувчилар ҳам дарий тилининг морфология, синтаксис ва лексикология соҳаларига оид қоида ва сўзларни дарий тилида жамлаганлар<sup>3</sup>.

Сўзбошида келтирилган маълумотлар муаллифнинг дунё тилшунослиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ойдинлаштиради. Олим тилшунослик илмини ўз даври учун янги илм йўналиши деб ҳисоблайди. Шу билан бирга бу илмга милoddан аввалги VII-VI асрларда ҳинд олими Панини томонидан асос солингани ва ўша вақтларда юнонлар ҳам бу борада изланишларни бошлашгани, лекин соф илмий

изланишлар XX асрнинг бошларига тўғри келишини келтириб ўтади<sup>4</sup>.

Муаллиф ушбу китобни ёзишдан мақсади ўқувчиларни янги илмий соҳалар билан таништириш ва дарий тили грамматикасини яратишда уларни қўллаш имкониятларини топиш эканлигини ёзади. Китоб қоида ва назариялардан холи, тил грамматикаси эмас, балки сўз грамматикаси ҳақида эканлигини уқтиради<sup>5</sup>.

Китобнинг муқаддима қисмида тил ижтимоий ҳодиса эканлиги, тилнинг вазифалари, тил, нутқ қандай ҳосил бўлиши (яъни нутқ аппарати), тилнинг таърифи, моҳияти, тилшунослик соҳалари, амалий ва назарий тилшунослик, тилшунослик методлари, лаҳжалар, семантика, грамматика: фонетика, морфемика, синтаксис, грамматиканинг турлари (тарихий грамматика, қиёсий грамматика ва б.) ҳақида маълумотар берилган.

Муаллиф тилга шундай таъриф беради: “Тил нима?” деган савол устида баҳслар қадим замонлардан шу кунгача давом этиб келмоқда. Ҳар қандай гуруҳнинг алоқа воситаси тил бўлиб, ҳатто ҳайвонлар ва паррандаларнинг ҳам ўз тили бор. Албатта, тил учун бундай таъриф жуда умумий ва мавҳум. Бошқа бир гуруҳ олимлар “Тил – фикр алмашиш воситаси” дея таърифлайдилар. Бу ҳам инсон тилининг моҳиятини акс эттирган умумий таърифки, чунончи, аниқ таъриф эмас. Замонавий тилшунослар қуйидагича таъриф беришади: “Тил шундай бир ўйлаб топилган ва товушлар ифодаланган система бўлиб, бир-бирини тушуниш учун ягона жамланган бирликлардан фойдаланишдир”. Бу таърифда система деганда, тил ўзига хос тузилишга эга эканлиги назарда тутилмоқда. Тил тузулишининг ҳар бир қисмида қонуният бор. Тилни осонроқ ўрганиш мақсадида тил тузулиши қисмларга бўлинган: товушлар тузулиши қонунияти, морфология қонунияти, синтаксис қонунияти каби<sup>6</sup>.

Китобнинг *دستور زبان دری* *Yak raweš-e naw dar tahqiq-e dastur-e zabân-e dari* (“Дарий тили грамматикасини ўрганишда янги

<sup>1</sup> محمد نسيم نځهت سعیدی. دستور زبان معاصر دری. کابل، 1969.

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан классик форс тили даври олимлари “афғон олимлари”, классик форс-дарий тили “дарий” деб қайд қилинган.

<sup>3</sup> محمد رحيم الهام. دستور زبان دری. کابل، 1349. ص. 5.

<sup>4</sup> Кўрсатилган асар. – Б. 6.

<sup>5</sup> Кўрсатилган асар. – Б. 7.

<sup>6</sup> Кўрсатилган асар. – Б. 12-13.

бир метод”) номли иккинчи бобида тадқиқот методлари, дарий тили грамматикасининг таркибий қисмлари, тил илми ҳақидаги кичик қайдлар келтирилган.

Фоним شناسی دری Китобнинг учинчи бобби *Funimšenâsi-ye dari* (“Дарий тили фонологияси”) деб номланиб, ушбу бобда фонемалар ва уларнинг турлари ҳақида сўз юритилади. Муаллиф фонемаларни икки гуруҳга бўлади: *فونیم های فونیم مقطعه funimhâ-ye maqta’* мақтабли фонема, *فونیم*

*funimhâ-ye ‘aruzi* аруз фонема. *Funimhâ-ye maqta’*ни уч қисмга бўлади: *واول wâwal* унли товушлар, *شبه واول šabh-e wâwal* ярим унли товушлар, *کانسونانت kânsônânt* ундош товушлар. Ўз ўрнида унли товушларни ҳам *واول wâwal* ёпиқ унлилар ва *باز wâwal-e basta* очик унлиларга ажратади. *i, ɪ, e, a, u, U, o, A* унлиларини ажратиб, уларга оид мисоллар келтиради.

| وضع زبان    |          | جلوی |          | عقبی     |        |
|-------------|----------|------|----------|----------|--------|
| حالت الاشبه | شکل لبها | گرد  | نا گرد   | گرد      | نا گرد |
| بسته        |          |      | <i>i</i> | <i>u</i> |        |
| باز         |          |      | <i>ê</i> | <i>ô</i> |        |
| بسته        |          |      | <i>e</i> | <i>o</i> |        |
| باز         |          |      | <i>a</i> | <i>â</i> |        |

*i-ɪ, ɪ-ê, i-e, a-a, u-u, U-ô, o-o, A-â* халқаро транскрипсиясига тўғри келади.

Муаллиф дарий тилида *aw, ew, iw, ay, Ay, oy, uy* дифтонглариини ажратади ва уларга мисоллар келтиради.

Консонантлар, яъни ундош товушлар ҳам алоҳида жадвалга солинган.

| صوت       | طريقة تولید | های صوتی | هتتر از ریشه | مخرج     | نوع | نوع دندانی | نوع لبی | نوع س | جلوی | میان | عقبی | نوع کلمی |
|-----------|-------------|----------|--------------|----------|-----|------------|---------|-------|------|------|------|----------|
| اتسدادی   |             | بی آوا   | پ            | <i>p</i> | ت   | <i>t</i>   |         |       |      |      | ک    | <i>k</i> |
|           |             | با آوا   | ب            | <i>b</i> | د   | <i>d</i>   |         |       |      |      | گ    | <i>g</i> |
| سایشی     |             | بی آوا   | ف            | <i>f</i> | س   | <i>s</i>   |         |       |      | ش    | خ    | <i>x</i> |
|           |             | با آوا   |              |          | ز   | <i>z</i>   |         |       |      | ز    | غ    | <i>γ</i> |
| جانبی     |             | با آوا   |              |          | ل   | <i>l</i>   |         |       | ر    |      |      |          |
| انفی      |             | با آوا   | م            | <i>m</i> | ن   | <i>n</i>   |         |       |      |      |      |          |
| اتسدادی   |             | بی آوا   |              |          | چ   | <i>č</i>   |         |       |      |      |      |          |
|           |             | با آوا   |              |          | ج   | <i>j</i>   |         |       |      |      |      |          |
| مغیه واول |             | با آوا   | و            | <i>w</i> | ی   | <i>y</i>   |         |       |      |      |      |          |

Китобнинг тўртинчи боби – *مورفیم شناسی* *Môrîfêmşenâsi-ye dari yâ ʕelm-e sarf* (“Дарий морфемашунослиги ёки сарф (морфология) илми”) деб аталиб, унда морфема, морфема ва бўғин, боғловчи ва унинг турлари, изофа, сўз туркумлари ҳақида маълумотлар берилган. Муаллиф бўғинларни

очик ва ёпиқ бўғинларга, морфемаларни мустақил (*آزاد âzâd*) ва боғланган ёки мустақил бўлмаган (*بسته basta*) га, боғловчиларни ясама (*تصريفی išteqâqî*) ва тусланадиган (*اسمیه ها tasrifiy*)га, сўз туркумларини исмий (*ismiyahâ*), феълий (*fe’liyahâ*), равишлар (*qoyud*)га ажратиб ўрганади.

Исмий гуруҳга от (اسم *esm*), сифат (صفت *sefat*), олмош (ضمير *zamêr*), санок морфемалар (مورفيم های شمار *morfêmhâ-ye šemâr*)ни киритади. Шу ўринда кўшимчалар (پسوند *paswand* ва پيشينه *pêšina*) ҳақида ҳам маълумотлар берилгани бироз чалкашликни келтириб чиқаради. Муаллиф олмошларни ҳам мустақил (ضمایر آزاد *zamâyer-e âzâd*) ва мустақил бўлмаган олмошлар (ضمایر بسته *zamâyer-e basta*)га ажратади. Мустақил олмошларга кишилик (ضمایر آزاد شخصی *zamâyer-e âzâd-e šaxsî*), кўрсатиш (اشارات *ešârât*), сўроқ (ضمایر مشترک *zamâyer-e porseši*), ўзлик (ضمایر مشترک *zamâyer-e moštarak*), ноаниқ (ضمایر مبهم *zamâyer-e mobham*) олмошларини киритади. Сўроқ олмоши ўз навбатида шахсли ва шахсиз сўроқ олмошларига ажратади. Шахсли сўроқ олмошига: کی *ke*, کدام *kodâm*, шахсиз сўроқ олмошига: چی *če*, چند *čand*, کی *ku*, کو *ku* ни киритади.

Мустақил бўлмаган олмошларга билдирувчи олмош (تملیکی ضمایر *tamlikiy-e zamâyer-e basta*)<sup>1</sup>, обективлик олмоши (مفعولی *maf'ulî*), феъллик олмоши (فعلی *fe'liy*) ни киритади.

Сон сўз туркуми учун ҳам عدد *adad*, ҳам شمار *morfêmhâ-ye šemâr* терминларини қўллаиди.

Дарий тилида феъл сўз туркумига шахс-сон (شخص *šaxs*), замон (زمان *zamân*), майл (وجه *vo-juh*) каби категориялар хослигини таъкидлайди.

Муаллиф феъл негизларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини айтади. Чунки дарий тилида феъл ҳозирги ва ўтган замон учун турли негизларда тусланади. Ушбу феълларни яна ўз ўрнида уч турга бўлади:

Биринчи гуруҳга ўтган ва ҳозирги замон негизлари ўхшаш бўлган, яъни ўтган замон феъл негизи ҳозирги замон феъл негизидан ясалган феълларни киритади.

Масалан: خورد *xôrd* خور *xôr*  
خواند *xând* خوان *xân*  
گشاد *gešâd* گشا *gešâ*

Иккинчи гуруҳга ўтган ва ҳозирги замон феъл негизи ўхшаш бўлмаган, яъни ўтган ва

ҳозирги замонларда турлича шакл ва талаффузга эга бўлган феълларни киритади.

Масалан: ساخت *sâxt* ساز *sâz*  
نشست *nešast* نشین *nešin*  
کرد *kard* کن *kon*

Учинчи гуруҳга от сўз туркумидан ясалган феълларни киритади. Масалан:

| ХЗН              | ЎЗН                  | от               |
|------------------|----------------------|------------------|
| جنگ <i>jang</i>  | جنگید <i>jangid</i>  | جنگ <i>jang</i>  |
| فهم <i>fahm</i>  | فهمید <i>fahmid</i>  | فهم <i>fahm</i>  |
| ناز <i>nâz</i>   | نازید <i>nâzid</i>   | ناز <i>nâz</i>   |
| طلب <i>talab</i> | طلبید <i>talabid</i> | طلب <i>talab</i> |

Муаллиф классик форс тили элементи бўлган ўтган замон давом феълни тўрт хил шаклда бериш усулини дарий тилида мавжуд деб ҳисоблайди. Аммо ҳеч қандай мисоллар орқали исботланмаган. Бу эса ўқувчида баъзи бир чалкашликларни келтириб чиқаради:

1. می *mê* - олд кўшимчасини кўшиш орқали: می سوختاندم *mêsôxtândam*

2. همی *hamê* - кўшимчасини кўшиш орқали: همی سوختاندم *hamêsôxtândam*

3. ی *ê* - орт кўшимчасини кўшиш орқали: رفتیمی *raftêmê* - رفتی *raftamê*

4. می *mê* - ёки همی *hamê* - олд кўшимчаси ва ی-ё орт кўшимчаларини бирга кўшиш орқали: می گفتی *mêgoftamê* - همی گفتی *hamêgoftamê*

Шуниси эътиборлики, муаллиф I шахс кўплик учун متکلم مع الغير *motakallam taъ al-ğayri* “ўзгалар билан гаплашувчи” терминини қўллаиди. Феъл сўз туркумига аниқ таъриф келтирмайди.

Равиш ҳодисани қай вақтда содир бўлганини аниқлаб келса, пайт равиши (قید زمان *qayd-e zamân*), ҳодиса жойини кўрсатиб келса, ўрин-жой равиши (قید مکان *qayd-e makân*), феълнинг миқдорини англатиб келса, миқдор равиши (قید مقدار *qayd-e meqdâr*) деб таъриф беради.

Муаллиф мустақил сўз туркумларига ундов (اصوات *aswât*)ни ҳам киритади ва қуйидагича таърифлайди: “Олкиш, мактов, таажжуб, афсус, талаб, ташвиш, хафалик каби ҳиссиётларни ифодаловчи сўзлар ундов сўзлар дейилади ва дарий тилида уларнинг миқдори кўп эмас:

به به! *Ahsan!* احسن! *Xušâ!* خوشا! *Âfarin!* آفرین!  
عجب! *‘Ajab!* عجب! *Wâ wâ!* وا وا! *Bah bah!*

Морфология қисми якунида муаллиф қуйидагича хулоса қилади: “Морфема ва сўз ўртаси-

<sup>1</sup> Фақат дарий тилига хос бўлган олмош бўлиб, бирор нима атайлаб билдириш, эълон қилиш учун қўлланиладиган олмош. Лекин муаллиф бу олмошга мисол келтирмаган.



даги чегарани белгилаш ҳамда уларни аниқлашда тилшуносларнинг фикрлари турлича. Морфема, асосан, бир-биридан ажралади, бинобарин у ҳам содда ва оддий бўлади. Аммо сўз битта морфема ёки морфемаларнинг бир таркибий қисми бўлиши ҳам мумкин. Мисол учун, “دست” *dast* сўзининг нуткий бирлиги морфема ва шу билан бирга сўз. Аммо нуткий бирликда “دسته” *dasta* ягона ажралмас морфемадек кўринса ҳам, лекин у иккита морфемадан • + دست *dast+a* ташкил топган. Шунингдек, у битта сўз ҳисобланади”<sup>1</sup>.

Муаллиф синтаксисга шундай таъриф Беради: “Маълум бир тилдаги ибора ва гапларнинг қондаси ва ясаиш усуллари ва йўлларини ўрганивчи илмдир. Тилшунослар тилнинг ҳар бир таркибий қисмининг элементларини номлашга ҳаракат қилганлар. Мисол учун товушларни ўрганишда “фонема”, морфологияни ўрганишда “морфема”, синтаксисни ўрганишда эса “таг-мема” қабул қилинган”<sup>2</sup>.

Муаллиф гапга ўз таърифини келтиришдан олдин бир нечта таниқли тилшуносларнинг (Дионисий Таркис, араб грамматиклари (исмлари келтирилмаган), беш устоз, Парвиз Нотел Хонларий, Блоомфиелд) гапга берган таърифини келтиришни афзал кўрган. “Гап тилнинг шундай бир шаклики, тилда ундан бошқа каттарок бирлик йўқ”, деб таърифлайди<sup>3</sup>.

“Дарий тилида гапнинг уч тури мавжуд: содда, қўшма, эргаш гаплар. Ҳар бир гап ўзига хос оҳангга эга”, дейди муаллиф ва шунга асосан оҳангнинг бир неча турларини ажратади:

أهنگ خبری *Āhang-e xabari*

أهنگ پرسشی *Āhang-e porseši*

أهنگ تعجب‌وند *Āhang-e ta'ajjobwand*

أهنگ امری *Āhang-e amri*<sup>4</sup>.

Муаллиф дарий тилида гапнинг синтактик хусусиятларига қуйидагиларни киритади:

1. Мослашув (مطابقت *matâbeqat*) – кесим (مسنَد *mosnad*) ва эга (مسند الیه *mosnad alayh*)нинг шахс-сонда мослашиши<sup>5</sup>.

2. Тўлдирувчи гапда содда ёки мураккаб лисоний шаклда با *bâ*, به *ba*, از *az*, در *dar*, بر *bar*

каби олд кўмакчилардан кейин ёки را *râ* қўшимчасидан олдин келади: زلمی به مکتب رفت *Zalmai ba maktab raft* Залмай мактабга борди.

Бу ерда زلمی *Zalmai* – эга, به مکتب رفت *ba maktab raft* – кесим, مکتب *maktab* – тўлдирувчи, به *ba* – олд кўмакчи<sup>6</sup>.

3 مجاورات *Mojâwerât* – гапнинг кесими қўшма феъл (яъни от+феъл) билан ифодаланиши: زلمی سگرت کشید *Zalmai segret kašid* Залмай сигарет чекди. Бу ерда زلمی *Zalmai* – эга, سگرت کشید *segret kašêd* – кесим, کشید *kašêd* – феъл, سگرت *segret* – феълнинг тўлдирувчиси<sup>7</sup>.

Синтаксис қисмида от, феъл, олмош, Равиш, уларнинг бирга қўлланиши ҳақида сўз юритилади. Бундан келиб чиқадики, ҳамон синтаксис ичида морфологияга оид элементлар ҳам ўрганилади. Ваҳоланки синтаксисда эга, кесим, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари ва уларнинг ўзаро муносабатини ўрганиш етарли.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мазкур китоб дарий тили грамматикаси учун муҳим ва қимматли маълумотларни ўзида жамлаган. Ҳар бир бўлим сўнгида муаллиф таҳлил натижаларини умумий хулосалаган. Айнан дарий тилига хос бўлган жиҳатлар ёритилган. Муҳаммад Раҳим Илҳом ушбу китобини тилшунослик бўйича билимга эга бўлган китобхонлар учун эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Муаллиф бу китобни ҳақиқий грамматик асар бўлишини хоҳлаган. Асарнинг ютуқларини қуйида келтириб ўтамиз:

1. Муаллифнинг дунё тилшунослигидан яхши хабардор эканлиги у келтирган маълумотларда ўз аксини топган.

2. Юнон, Рим, араб тилшунослиги тарихи қисқача ёритилган.

3. Дарий тили грамматикасининг асоси ҳақида маълумотлар келтирилган.

4. Тил сатҳлари алоҳида тадқиқ этилган.



<sup>1</sup> Кўрсатилган асар. – В. 138.

<sup>2</sup> Кўрсатилган асар. – В. 140.

<sup>3</sup> Кўрсатилган асар. – В. 141.

<sup>4</sup> Кўрсатилган асар. – В. 143.

<sup>5</sup> Кўрсатилган асар. – В. 144.

<sup>6</sup> Кўрсатилган асар. – В. 146.

<sup>7</sup> Кўрсатилган асар. – В. 147.